

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 2 ноябр, чоршанба № 178 (2019)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовга 1 ноябр кунини Оқсаройда Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Юй Хунцзюнь ишонч ёрлигини топширди.

Мамлакатимиз раҳбарининг шу йилнинг август ойида Хитойга давлат ташрифи чоғида Ислам Каримов ва ХХР раҳбари Ху Цзиньтао Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатларaro шартнома имзо чекдилар. Бу ҳужжат Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатларнинг муҳуклиги пойдеворини янада мустаҳкамлаб, ўзаро ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб берди.

Мамлакатларимиз халқаро майдонда ҳам фазл ҳамкорлик қилади. Айниқса, Шанхай ҳам-

корлик ташкилоти доирасидаги алоқалар жадал ривожланмоқда. Террорчилик ва экстремизм каби иллатларга қарши кураш борасида томонларнинг қарашлари муштарак.

Президент Ислам Каримов элчини янги лавозимда ишга киришгани муносабати билан кутлар экан, Ўзбекистон билан Хитойнинг ҳамкорлиги келгусида барча йўналишларда янада ривожланиб бораверишига ишонч билдирди.

Хитой элчиси самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд алоқаларни янада ривожлантиришга, хусусан, савдо-иқтисодий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади.

Шу кунини Президент Ислам Каримов Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республика-

сидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Сканд Ранджан Тайалдан ҳам ишонч ёрлигини қабул қилиб олди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқларининг дўстона алоқалари узок даврларга бориб тақалади. Бугунги кунда халқларимизнинг ана шу азалий алоқалари аънаналари асосида мамлакатларимиз ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик муносабатлари изчил тараққий этмоқда. Президент Ислам Каримовнинг жорий йилнинг апрелида Ҳиндистонга давлат ташрифи чоғида эришилган келишувлар бу муносабатлар мазмунини янада бойитиб, ҳамкорлик ривожига янги сурат бахш этди.

Айни пайтда алоқалар барча соҳаларда фаоллашмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда. Яқинда халқаро террорчиликка қарши кураш бўйича Ўзбекистон-Ҳиндистон

ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди.

Президент Ислам Каримов Ҳиндистон элчисининг Ўзбекистондаги фаолиятига муваффақият тилади.

Сканд Ранджан Тайал Ўзбекистон билан Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш имконияти туғилганидан мамнуният изҳор этди. Умумий манфаатларимизга хизмат қиладиган хайрли ишларни амалга ошириш, хусусан, сармоявий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш йўлида меҳнат қилишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовга Хитой Халқ Демократик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ли Дон Пал ҳам ишонч ёрлигини топширди.

Ислам Каримов ишонч ёрлигини қабул қилиб олган экан, шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани муносабати билан элчини кутлаб, юртимизда бошланган миссиясида муваффақиятлар тилади. Ўзбекистон билан КХДР муносабатлари ривожланиб бораётгани, айниқса, мамлакатларимизнинг халқаро майдондаги ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилгани таъкидланди. КХДР Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни, миллий тотувликни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

КХДР элчиси самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида куч-ғайратини ангазганини таъкидлади.

(ЎЗА)

Бор бўл, оқибат!

УЛАР ФАҚАТ МЕҲРГА ЗОР

дейишди 1-«Мурувват» болалар уйи тарбиячилари

Агар бу ерда кўрганларимизни батафсил тасвирлаб бериш керак бўлса, албатта қийналамиз. Негаки, сўзлаётган юрагимизда оғрик туради. Қайта-қайта изтиробга тушамиз, ҳатто киприкларимизга ёш калки чикади. Хонадан-хонага ўтарганимиз, каровотларда катор бўлиб ётган болаларни кўрамиз. Хаммалари майиб-мажруҳ, ақллари заиф...

— Бизда 320 нафар худди шундай болалар тарбияланади, — дейди Тошкент шаҳридаги 1-«Мурувват» болалар уйи директори Татьяна Саидова. — Ҳар бири алоҳида диққат ва эътиборни талаб этади. Уларга соғлом болаларга қараганда икки-уч ҳисса кўпроқ меҳр кўрсатишимиз зарур. Тарбиячиларимиз буни асло ёддан чиқаришмайди.

Аслида шу болалар ҳам қайсибир гўзал соатларда дунё юзини кўрган, туғилган онларидаёқ «Мени табрикланг, мен ҳаётга келдим!» дегандек ҳайқирган, бутун борлик уларнинг йиғиси билан тўлган... Кейин қарашсани, улар яшаш учун лаёқатли эмас, қайсибир жихатлари норасо, вуждлари хаста, камдармон, мажруҳ! «Нега бундай бўлди? Айб кимда? Сабаблари нимада?» Борди-ю, шу саволларга жавоб ахтариб бу ердаги уч юз йигирма боланинг касаллик варақалари қараб чиқилса, шунча хил жавоб ва сабаблар аён бўлади!

— Анави кичкинтойини эрта тонгда ҳовлимизга ташлаб кетишган, — дейди тиббий ходим Рая Абдикеева юз-кўзида нуқсонни бор кизалоқни бизга кўрсатиб. — Кейин сурштириб онасини топдик. Маълум бўлишича, у ҳомилани тушириш учун кўп микдорда дори ичган, бу болага таъсир қилган. Барбир чалалоқ дунёга келган. Аёл уни кўриб кўриб кетган ва эртасигаёқ болалар уйига яширинча келтириб ташлаган...

— Бу йигитчани қаранг, жуда хушсурат, ҳатто бир иккита сўзни ҳам айта олади, — суҳбатга қўшилди дефектолог педиатр Таня Пивкина, — фақат унинг оёқ-қўллари ривожланмасдан қолган. Ҳаракат қилолмайди.

— Сабаби билан қизиққанмизми? — дейман беихтиёр.

— Ҳа, онаси билан гаплашганимиз. Турмуши яхши бўлмагач, ичкиликка ружу қўйган, ҳатто ичмасга ё чек-маса туролмайдиган ҳолатга тушиб қолган. Ҳомилдорлигим оғир кечган. УЗД врачини унга «Бола нуқсонли туғилади, ундан воз кеча қолинг» деганида кўнмаган. Мана оқибати! У чақалоқлигидан бери шу ерда.

— Манави ёнма-ён каровотда ака-сингил ётишди, икковиям юролмайдими, утирган ҳолатларида овқат ейдилар, энди баъзи бир йўн машгулотларини ўргана бошладилар, — дейди яна бир тиббий ходим Муҳаббат Мирзаева. — Биласизми, шу иккиси туғилган хонадонда ота гиёҳванд, она эса бу ҳол ёмон оқибатга олиб келишини мутлақо ўйламаган!

Хуллас, ушбу болалар уйда тарбияланаётган ҳар битта ўғил ё қизининг туғилиш тарихи ўта аянчли! Айрим ота-оналар ўз фарзандлари аҳолидан хабар олиб туришди, айримлар эса умуман бу ҳақда ўйлашмайди. Болалар уйда эса педагоглар, шифокорлар, тарбиячи ходимлар, кўнгиллиларни шу кичкинтойларнинг ҳаёти учун курашишди, уларга астойдил ғамхўрлик кўрсатишди, меҳр билан бошларини силаб, яхши сўзлар айташди.

— Бу болакайларда ҳеч бир гуноҳ йўқ, демак улар ҳам яхши яшагач, ҳаётнинг қувонч шодлиқларини озгина бўлса-да тотиб кўришга ҳақли! — дейди яна директор.

У ҳақ, Ногирон ҳолда туғилган бўлишича-да бу болалар ҳаёт нўматларидан баҳраманд бўлмақлари зарур. Шунинг учун ҳам болалар уйда уларга қўлай шарт-шароитлар яратилган. Юртимиздаги кўпбаллаш ҳаллар ва идоралар раҳбарлари бу «Мурувват» уйидан ўз ёрдамларини аямаядилар. Айниқса кейинги йилларда турли вазириликлар, элчионалар, халқаро жамғармалар, савдо ташкилот-

лари, институт ва идоралар ҳамда ширкат хўжаликлари томонидан болалар уйи учун кўплаб маблағ ажратилди. Зарур микдорда дори-дармон, ногиронлик аравачалари, спорт машғулотлари учун жиҳозлар, кийим-кечаклар ва ётоқхона мебеллари келтирилди.

Болалар уйда машгулотлар ўтиш учун алоҳида хоналар мавжуд. Психоневролог, психолог, терапевт, логопед ва бошқа соҳаларнинг мутахассис шифокорлари уларни доимо кўридан ўтказиб боришади. Ҳар бир боланинг психик ҳолати ўрганилади, нимага лаёқатли эканлиги аниқланади, шундан сўнг махсус гуруҳларга ажратилиб, ўйин машгулотлари ёки ўқув дарсларига жалб қилинади. Бу ерда яна мутахассислар ногирон болалар орасида иктидорлилари ҳам борлигини эътироф этишди. Тренер Амир Темургайиевнинг айтишича, республика Паралимпия кўмитаси томонидан ташкил этилган кўплаб спорт мусобақаларида катнашиб, голиб чиқётганлар орасида 1-«Мурувват» болалар уйи тарбияланувчилари ҳам бор экан. «Ҳар кунги спорт залидаги машқларимиз бе-самар кетмади, болаларимиз машқ бажаришда тенгқурларини ортда қолдиришди!» дейди тренер фахр билан. Сўнг у спортсевар болалар томонидан беллашувларда қўлга киритилган совринлар, медалларни бизга кўрсатади. Бундан ташқари, ногирон болаларнинг ўзлари ясаган турли ўйинчоқлари, чизган расмлар билан ҳам танишдик.

Инсон боласи аслида кўп нарсага қодир. У қай ҳолатда яшамасин мўъжизалар яратишга, ортидан бирор из қолдиришга интилади, эзгуликлар йўлида ўзини намоён этади.

— Муборак Рамазон ойида кишиларимиз хайрли ва савоб юмушларга кўл урадилар, бу азалий одат эканлиги маълум. Шундай кунларда болаларга янада қўлайликлар яратиш учун керакли микдорда маблағ ажратаётганлар кўпаяёттир.

Г.КАРИМОВА



Фаргона нефтни қайта ишлаш корхонасида кўплаб билимдон, ўз касбига меҳр қўйган ёш мутахассислар (суратда) фаолият юритмоқдалар. Уларнинг саъй-ҳаракати, шижоати туйғайли жамоа олдидан турган масалалар ҳал этиб боришмоқда.

Корхона маъмурияти, касаба уюшма кўмитаси ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Меҳнат муносиб равишда рағбатлантирилмоқда.

И.ҲАСАНОВ олган сурат

Каердаки ривожланиш, ишбилармонлик бўлмаса, унга аввало ўша жойдаги мутасаддилар сабабчи. Негаки, бугунги раҳбардан талаб қилинаётган асосий нарса — ташаббускорлик ва фидойилик, одамлар ташвиши билан яшаш, янги иш ўринлари яратишдан иборат. Президентимиз халқ депутатлари Фаргона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида эътиборни ана шу муҳим масалага қаратган.

Ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш йўлидан бораёلمиз. Аммо айрим мутасаддилар кўл остидагиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситиб, ишловчиларнинг саломамлиги, оиласи, фарзандлари ҳақида ғамхўрлик қилиш ўрнига зиммадаги масъулиятини ҳис этмаётгани ачинарилади.

Данғара тумани ҳам агросаноат мажмуғида ихтисослашган. Аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги соҳаларида банд. Демак, шароитнинг ўзи ишлаб чиқаришни янада жонлантиришни талаб қилмоқда. Туман иқтисодий салоҳиятининг кейинги йилларда депрессияга турилгани ва ижтимоий масалалар орқда қолаётганига амалдаги қонунларга айрим мутасаддилар беписандлик билан қараб келаётгани сабаб бўлаёпти.

Масалан, қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатқашларга иш ҳақининг ўз вақтида тўлиниши юзасидан ўтказилган тахлилларда аниқланишича, «Данғара» ширкат хўжалиги 6 миллион 295 минг сўм, «Ишонч» ширкат хўжалиги 15 миллион 209 минг сўм, Худойбердиев номли ширкат хўжалиги 20 миллион 960 минг сўм ва шу каби бошқа қатор ташкилотларда жами 90 миллион 203 минг сўм қарздорлик мавжуд эканлиги аниқланди. Туман прокуратурасининг аралашуви билан 2270 на-

ёрлаш учун ишлатилмаган бикорлар етишмаслиги маълум бўлди.

Стоматология поликлиникасидаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Масалан, шу поликлиниканинг катта ҳамшираси Ш.Ҳайитованинг моддий жавобгарлигидаги дори-дармонлар текширилганида, камоматда йўл қўйилгани эътироф этилди.

Чиллаки чиллақини кўриб ранг олади, деганларни бежиз эмас экан. Аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш ва кам таъминланганларни моддий қўллаш ҳамда ногиронларга мадад кўрсатиш ҳар бир фуқаронинг бурчи. Бу борада, айниқса,

ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН ҲОТАМТОЙЛИК

лик шойишмаётгани ёки беғамлик билан фаолият кўрсатаётгани маълум бўлди. Хусусан, туман соғлиқни сақлаш бўлимида ушбу дастур ижросини амалда қўллашда сустқашликка йўл қўйилганини кузатиш мумкин. Ўтказилган текширишларда тизимда соҳавий қонунлар ва ҳуқуқат қарорлари етарлича таъминланмаганлиги аниқланди. Бўлимнинг айрим тармоқларида санитария ҳолати талаб даражасида эмас. Чунончи, касалларни қабул қилиш хонаси талабга мос эмаслиги, беморлар учун етарлича шарт-шароитлар яратилмагани, тиббий восита ва анжомларнинг камбўлиги, туғруқхона бўлимида кўп маротаба қўлланмаган тиббий анжомлар (операция асбоблари, бемор ҳолатини аниқловчи воситалар) тай-

маҳалла кўмиталари ташаббускорлик кўрсатиши зарур. Таассуфки, тумандаги айрим маҳалла кенгашлари ижтимоий ҳимояга муҳтожларга мададкор бўлиш ўрнига асосси равишда муҳтожлар қолиб, қонунда белгиланмаганларга давлат ҳисобидан хотамтойлик қилишган.

«Чинобод» қишлоқ фуқаролар йиғинига қаршли «Олтиқуш» ва «Қора кўрпа» маҳалла фуқаролар йиғинларидаги тахлиллар натижасини кўрсатдики, С.Халиловага нафақа тайинлаш мезонлари бузилиб, давлат ҳисобидан ортиқча маблағ тўлаб борилган. М.Нурматова моддий ёрдам сўраб бир неча бор маҳалла фуқаролар йиғинига ариза билан мурожаат қилишга қарамай, унинг ижтимоий аҳоли ўрганилмадан аризаси рад этилган.

ЯНА БИР АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ юртимизда бунёд этилаётган замонавий академик лицейлар кун сайин кўпаймоқда. Нукус шаҳрида яна бир академик лицей фойдаланишга топширилди. Бугунги кун талаби даражасида олти юз ўқувчи таҳсил олиш имконига эга ушбу ўқув маскани жуда кичик фурсатда - саккиз ойда қуриб битказилди. Уни «Енбосувқурилиши» масъулияти чекланган жамият бунёдкорлари барпо этди.

— Бу ерда 2 миллиард 17 миллион сўмлик қуриш-монтаж юмушлари бажарилди, — дейди қуриш участкаси бошлиғи Адилбек Шинтемиров. — 220 нафар қурувчи сидқидилдан ишлагани боис ва-зифамизни тез ва сифатли бажардик.

Лицейнинг уч қаватли ўқув биноси, компьютер ва лингафон хоналари, спорт ва мажлислар заллари тез кунларда ўқувчиларни ўз қучоғига олади.

Таажжуб!

Яхши ишлаган киши, яхши дам олишни ҳам билиши керак. Туман санавот касб-хунар коллежи ходими У.Қодиров бино теҳниги вазифасида анча вақт ишлаган, билим маскани жамоаси ўртасида меҳнати билан обрў орттирган кишилардан. Жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш бевуқлигини ташаббус билан бекор қилиш учун касаба уюшма кўмитаси розилигини олиш назарда тутилган. Лекин коллеж маъмурияти буни ҳисобга олмай ходимни меҳнат таштилида юрган вақтида вазифасидан озод этган.

Прокуратура аралашувида сўнг, У.Қодиров амалдаги қонунларга кўра ўз ишига қайта тикланди. Утган ойларда ноҳақ ишдан бўшатилган кишилардан 20 нафарининг ҳақ-ҳуқуқи ҳимоя этилиб, талаблари қондирилди.

Юқоридида қайд этилган мисоллардан кўриниб турибдики, ҳали бу борада кўп саъй-ҳаракатлар қилишга тўғри келади. Шу боис прокуратура, ички ишлар ва суд бўлимлари билан ҳамкорликда ҳар ойда бир кун ташкилот раҳбарлари ва мутасаддилар ўртасида мулоқотлар уюштирилаттир. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам урчушулар, савол-жавоб кечалари ўтказилапти. Агар кейинги икки ойлик натижалар йил боши билан таққослаб кўриلسа, фуқаролар манфаатини ҳимоялаш ва қонун устуворлигини таъминлашда сезиларли сил-жишлар кўзга ташланади.

А.ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири

САХОВАТ

Яқинлашиб келаётган кутлуғ Рамазон ҳайати арафасида Жизжаз шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйда «Меҳр қолур дилларда» деб номланган байрам тадбири ўтказилди. Шу кунини болалар муассасасига хайрия ва ҳомий ташкилотларнинг вакилла-

ри совға-саломлар билан ташриф буюрди.

Тарбияланувчилар учун байрам дастурхони ёзилиб, уларнинг ҳар бирига иссиқ кийимлар совға қилинди. Байрам арафасида болаларни хурсанд қилишни ёддан чиқармаган саховатпеша инсонлардан Меҳрибонлик уйи жамоаси миннатдор бўлди.

Янгиликка интилган, юртга наф келтиришни ўйлаган тадбиркорлар ҳаммиса эътиборда. Мамлакатимизда ўтган уч ой ичида соҳа истиқболлини кўзловчи, кичик бизнес ва хусусий секторни ривожлантиришга қаратилган қатор қарор ва Фармонлар қабул қилинди. Хукуқий ҳимоянинг янада тақомиллаштирилиши, текширувларнинг қатъий тартибга солиниши тизим ривожига рағбат бўлиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорликка кенг йўл очилган, бу йўналишда ўзини синаб кўришга интилганлар кўп бўлди. Муштақил ишлаш иштиёқида бўлганлар олдига гов кўйилмади. Асосли фикр, фойдали гоҳ қўллаб-қувватланди, ҳар кимнинг имконияти, иқтидорига қараб иш юритишга изн берилди.

Бир олиш керак, тадбиркорлар ишига ҳудубехуда аралашадиганлар ҳам оз эмасди. Оқдидан бир мисол. Бир пайтлар Сирдарё вилоят адлия бошқармаси солиқ бўлими бошлиғи билан мазкур жамоатда бўлган муносабатлари ҳисоблаб чиққанدى. Тўққиз ойлик фурсатда сайхунбодлик 160 нафар, Оқолтин туманидан 90 нафар ишбилармон фаолиятига

дан чекинмаган ҳолда бир мисол. М.Мавлонов Сайхунбод туманидаги «Бирлашган» ҳўжалигида 1993 йилдан бери оилавий пудрат асосида ишлаб келатган. Аммо ҳўжалиkning собиқ раҳбари Н.Абдужаббаровнинг бирдан

Орамиздаги одамлар

комиллаштириш тўғрисидаги Фармон ишбилармонларни рағбатлантириш учун хизмат қилади, дейди Сирдарё вилоят ҳўжалик суди судьяси Тоҳир Тожибоев. - Мезёрий ҳўжатда микрофирмалар, кичик корхоналар ва фер-

бобо» фермер ҳўжалиги раҳбари Муҳаммад бобо Саҳаддин Фармонни бағоят хушнуд қаршила- ганлардан бири. Негаки отахон бундан 12 йил илгари ишбилармонликка қўл урган. Аммо илк йиллари тадбиркорга осон бўлмади. Баъзи мутасаддилар ноҳилис йўл тутиб, текширувчилар жўнатиб, фермер ҳўжалигини ёпиб юбориш даражасига етди. Аммо аниқ мақсадни кўзлаган, юрт равнақи йўлида бел боғлаган оқсоқол чекинмади, қонунга суянди. Натижада ҳўжалигини ис- ботлашга мувафّق бўлди.

Қисқаси, ҳукуватимиз давр кишии бўлиши тадбиркорлар гамаҳўри. Бу қабул қилинаётган қарор ва Фармонларда ўз аксини топапти. Эндликда соҳа вакиллари олдида фақат бир вази- фа — ҳалол ишлаб, кўпроқ наф келтириш турибди.

Н. ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

Ислоҳот мевалари

ОВУЛ АЁЛЛАРИ Қўшма корхона ишчиси

Тўрткўл Оролбўйининг қадимий манзилгоҳларидан. Жайхун соҳилида жойлашган, қулай ер ва сув шароитига эга бўлган, иқтисодийи кўп тармоқли туман истиқлол йилларида ривожланишининг оидин йўлига ўтиб олди.

Халқ ҳўжалиги барча тармоқларида кенг қўламли ислоҳотлар олиб борилаётганлиги, Президентимиз Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари изчиллик билан амалга оширилаётганлиги тўғрисида аҳоли даромадлари кўпайиб, турмуш даражаси яхшиланмоқда.

Жорий йилда туман бўйича бултурга қараганда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 15, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш 18, пуллик хизмат 19 фоизга, қанака савдо 1,6 баробарга кўпайди. Давлатга дон, пахта, пилла сотиш шартнома режалари олиштириш бажарилди. Иншоотлари хусусийлаштирилган 80 миллион сўм маблағ тушиди. Қишлоқ аҳолисини сифатли ичимлик суви, табиий газ билан таъминлашга эътибор кучайди. 23 километр ичимлик суви, 12,3 километр табиий газ тармоқлари ишга туширилди.

кенг қўлланилмоқда. Амударё соҳилида йилига 3300 тонна трикотаж ва 25 хилдаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган қўшма корхона фойдаланишга топширилди. Унда ҳозир 1,5 миң киши иш билан таъминланган бўлса, келажакда бу рақам 2,5 миң нафарга етади.

- Корхонамизга Тўрткўл шахри ва туман марказига яқин овулларда яшовчи хотин-қизлар жалб этилган, - дейди ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Г.Айтбоева. - Компьютерлаштирилган тикув ва тўкув машиналарида тайёрланаётган маҳсулотлар сифат жиҳатидан хорижликдан қолишмайди. Шу боис маҳсулотлар ички бозордан ташқари шартнома асосида Санкт-Петербургдаги «Сигма-гас» ва Москвадаги «Трейдинг хаус» компанияларига экспорт қилинади.

Тўрткўл шахрида уч асрнинг гувоҳи бўлган Саодат буви Ниёзембетова умргуздорлик қилади. 102 ёшли табарруқ онахон катта ҳаёт йўлини босиб ўтган. Ҳалол, фидойи меҳнат билан эл-юрт хурматини қозонган момонинг хонадонига қариндош-уруғлари, қўни-қўшилари тез-тез келиб, ҳоли-аҳвол сўраб туришади. Момонинг дуосини олиб, узоқ умр тилашади. Саодат бувининг қўша-қўша фарзандларидан 23 нафар набираси, 55 нафар чевараси ва 12 нафар эвараси бор. Улар келганда хонадонда байрам бўлиб кетади. Бундай узоқ умр кўрган қариялар туманда 50 дан ортик.

- Кекса авлод вакиллари, ёлғиз кексалар, фахрийлар ва ногиронларга доимий гамаҳўрлик кўрсатилаяпти, - дейди биз билан сўбатда туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, «Дўстлик» ордени соҳибиди Аҳмед Ибрагимов. - Илгининг ўтган ойлари давомида муҳтож оилаларга 10 миллион сўмдан ортик моддий ёрдам берилди. Улар йирик корхона ва ташкилотлар, «Маҳалла», «Нуроний» ва «Соғлом авлод учун» гамафармалари томонидан оталиққа олинган.

Ободон Қурдыев номли ҳўжаликда доимий қиймати 73 миллион 921 миң сўмлик замонавий тиббий пункт қуриб, фойдаланишга топширилди. Мақтаб таъминини ривожлантириш умумий-лий дастурига мувофиқ 6 та илм маскани, 1 та мақтаб-интернат, 2 та болалар боғчаси мукамал таъмирланди. «Ёнбошқурилиш» муассасидаги чеklangан жамияти бунёдкорлари «Улибоғ» овулида 400 ўқувчига мўлжалланган мақтаб биносини қуриб, битказдилар. Янги илм маскани бунёд этиш учун 758 миллион сўмлик қурилиш-усуналаш ишлари бажарилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик яқин ички маҳсулот ишлаб чиқаришда катта ўрнини эгаллаш билан бирга аҳоли фаровонлиги ва даромадлари ортишида, ишсизлик муаммосини ҳал этишда муҳим омилга айланиб бормоқда. Тадбиркорлик субъектлари сони 1347 тадан ошган бўлса, унинг 874 таси аграр тармоқда, 68 таси саноатда, 54 таси қурилиш, 316 таси савдо ва умумий оватланиш, 100 таси аҳолига маийий хизмат кўрсатиш ҳамда истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда.

Ишбилармонларга 228 миллион сўмлик қисқа муддатли ва 465 миллион сўмлик узоқ муддатли кредитлар ажратилганлиги корхоналар техника-иқтисодий кўрсаткичларини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатапти. «Раиймбой ота», «Найман», «Нурбобо» номли фермер ҳўжалиklarининг довури республикага ёйилган. «Янги йўл» фермер ҳўжалиги раҳбари С.Омонов «Шўҳрат» медални билан мукофотланди. Гулнора Палушова раҳбарлик қилаётган «Фаровонлик» фермер ҳўжалиги исми жисмига монанд, 50 гектар майдондаги галла ва пахтадан юқори ҳосил етиштирган аҳил жамоа туман марказида тикувчилик цехи, «Билим-сервис» компьютер сабоқлари марказини очди. Айни пайтда қўли гул чеварлар тикаётган кийим-кечак ва пардалар миждошлар эътиборини қозонмоқда. Энг муҳими, 20 нафардан ортик хотин-қизлар хунаур ўрганиб, иш билан таъминланди.

Тажрибали Қаримбергана Бозов раҳбарлик қилаётган «Баракат», «Тўрткўл» ақциядорлик жамияти савдо хизмат кўрсатишининг мақбул турларини излаб топиб, йиллик товар айланмасини 2 миллиард сўмдан оширди. Ҳар йили 55-60 миллион сўмлик фойда олинмоқда. Ҳиссадорлик жамияти қошида конфет, макарон, печенье ва кондитер маҳсулотлари тайёрлаш цехлари ишлаб турибди. Умумий оватланиш тармоқларида мазаали таомлар тайёрланмоқда. Жамият ходими Икром Отажонов «Энг ёш офицант» йўналиши бўйича мамлакат қурик-танловида совринли ўринни эгаллади.

«Тўрткўлмаркет» савдо дўкони турли хилдаги озиқ-овқат ва истеъмол моллари билан тўла. Яқинда «Тўй-томшалар уйи» таъмирланди, ишга туширилди. Тизимда 40 йилдан бери ишлаётган тажрибали савдо ходими Давлат Саидов Президентимиз Фармонига асосан «Шўҳрат» медални билан мукофотланди.

Ишлаб чиқаришда чет эл сармоси

И. ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Пири бадавлатларимиз СУЛИУ МОМО ШУКРОНАСИ

Президентимиз Фармонига асосан кўп йиллар давомида мамлакатимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бой ҳаёт тажрибаси, ўғит-насихатлари билан ёшлар тарбиясига катта хисса қўшиб келайотган табарруқ отахон ва онахонлардан бир гуруҳи «Шўҳрат» медални билан мукофотланди.



Ш.СУЛТОНОВ олган сурат

Давлат мукофотида сазовор бўлганлар орасида Оролбўйининг Қонлиқўл туманида яшовчи Сулиу момо Муфтўллаева ҳам бор. Ҳаётнинг аччиқ-чучуғини татиغان, тақдир синовларидан ўтган уч аср гувоҳи, дуогуӣ онахоннинг қувончи кеҳисиз, руҳи тетик.

Корақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси М.Ерниёзов онахонни чин дилдан қутлаб, «Шўҳрат» медалини топширди. Оқсоқоллар, туман жамоатчилиги вакиллари табарруқ момони юксак мукофот билан муборакбод этдилар. - Муштақиллик шарофати билан эл-юрт хурматини қозониб, Ватан мукофоти билан тақдирландим, - дейди табарруқ онахон севинч ёшларини яширолмади. - Юртбошимиздан умрбод миннатдорман. Илоҳим, мамлакатимиз тинч-осойишта, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Сулиу момонинг қирчиллама ёшлик йиллари Оролбўйининг бағрикенг далаю даштларида ўтди. Иккинчи жаҳон уруши қийинчиликларини бошидан кечирди. Орол денгизининг об-ҳаётга тўлиб, тўлқинланиб турган дамларини, суви камийиб кетган ҳозирги қунарларини ҳам ўз кўзи билан кўрди. Ҳар қандай жамиятда ҳам инсон олий мақсадларга талпиниб яшашдан асло тинмаган. Сулиу момонинг ҳаёт йўли бунга яққол мисол.

Уч асрнинг юзини кўрган онахон 103 ёшга кирди. «Қонлиқўл» фермерлар уюшмаси худудида яшайди. Авлод-аждодлари, қариндош уруғларини тўпласа, катта бир қишлоқ ҳосил бўлади. 29 нафар невараси, 42 чевараси, 3 эвараси бор. Улар ақлли-хушли, одобли ва меҳнатқаш инсонлар бўлиб етишган.

Юртдошларимиз Сулиу момонини «Қонлиқўл» онаси, деб аташади, - дея сўхбатни давом эттирди «Зокир» фермер ҳўжалиги раҳбари Турдигул Қаймуротова. - Овулимизнинг каттаю кичиги онахоннинг хонадонига бориб, дуосини олиб туришади.

Яқинда кенг ҳовли ўғил-қизлар, невараси-чеваралар билан лик тўлди. Овулдошлар катта ҳаёт йўлини босиб ўтган қарияни бағриларига босиб, савимий қутладилар. Сулиу она Ватан мукофоти - «Шўҳрат» медалини қўксига тақиб олган. Унга гурур билан боқиб, силаб-сийлаб қўяди. Сулиу момо фарзандлари бағрида тинч, бахтиёр ҳаёт кечирмоқда.

И. НИШОНОВ

Тармоқ касаба уюшмаларида НОГИРОНЛАР КЎНГЛИНИ ОВЛАБ

Сармосий туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги таълим-тарбия муассасаларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда таълим ва фан ходимлари касаба уюшма туман кенгашининг фаол иштирокини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Тармоқ ходимларидан тушган 18 та ёзма, 32 та оғзаки ариза ва шикоятлар ўз вақтида ечимини топди. Ноқонуний ишдан бўйшатирилган Шарғун шўхридаги 30-санаторий-боғча ҳамшираси Комила Ҳолбадалиева ва 17-боғча мудираси Муҳаммад Ҳамидовларга ўз ваазифаларига тикландилар.

бемор ходимларга муассасалар жамағатидан 600 миң сўмлик моддий ёрдам берилди. Бундан ташқари туман ҳокимияти ва «Ногиронлар жамияти» билан ҳамкорликда 13 ёшдан 17 ёшгача бўлган ногирон болалар ўртасида «Мафтункор ранглар олами» кўрик-танлови ўтказилиб, сова-саломлар улашилди. Туман меҳнат бўлими билан биргаликда ижтимоий химояга муҳтож шахслардан 15 нафари ишга жойлаштирилди.

Мазкур ўқув йилида 3000 нафардан зиёд ўқитувчилар ва 1300 нафардан ортик техник хо-

С.АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

Қўли очикнинг йўли очик

«Жиззахнефтбазаси» унитар корхонасининг Галлаорол туманидаги «Лаликор» филиалида 50 нафардан зиёд киши меҳнат қилади. Шунингдек, илгари филиалда ишлаб, сўнг пенсияга кузатилган 12 нафар қария, «Лаликор» қўрсонида яшовчи 5 та кам таъминланган оила аъзолари ва уч нафар ногирон ҳам жамоа рўйхатида.

Ийд Рамазон ҳайити арафасида филиал касаба уюшма ташкилотини ва маъмуриятини ана шу ижтимоий химояга эҳтиёжманд кишиларни хурсанд қилиши. Уларга жамознинг байрам совғалари топширилди.

Аслида ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ, - деди пенсионерлар номидан филиалнинг собиқ хайдовчиси Маллабой Қўшонов. - Чунки пенсия оламини Кутлуг рамазон арафасида у яна оширилди.

нишга ҳам, пайкални ўғитлашга ҳам трактор минаверибман, деб қолди у. Бу йил шу ҳисобдан уч миллион сўм тежабимиз».

Ҳа, Абдиқодиржон айтганидай, йил сайин фермерларда мулкка эгаллик хисси ортмоқда. Улар ер ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш билан бирга тежамкорлиқни ҳам муҳим ҳислат, деб билимқодлар. Бунинг натижасида филиалнинг Бахмар ва Галлаорол туманларидаги фермер ҳўжаликларига ёнлиги тарқатуви 24 та шохобчанинг барчасида ёнлиги-молаш материаллари анча тежалди. Филиал бўйича эса йилини 65 миллион сўм соф фойда билан яқуллаш қутилаяпти.

К. ЖўРАҚУЛОВ

Қишлоқ ҳўжалигида туз ислоҳотлар амалга оширилаётгани натижасида зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатлар фермер ҳўжаликларига айлантирилмоқда. Чунки, ширкатларга нисбатан фермер ҳўжаликларига моддий ресурслар икки марта кам сарфланипти. Бошқарув харажатларига ҳам ҳоҳшат қилинапти. Аммо, ҳар ким ҳам удадуборон, ернинг қадрини биладиган фермер бўлолмайди. Зарур кўникма ва билим бўлмаса, у депсиниб, ернинг умрини бекор ўтказиб юрaverади.

Когон туман ҳокимининг 443-сонли қарори билан «Жўраев Завқи» фермер ҳўжалигининг низоми рўйхатга олиниб, унга тумандаги «Бухоро» ширкат ҳўжалиги худудидан 37,6 гектар ер майдони ажратилган, туман ҳокими ва фермер ҳўжалиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида 29-сонли шартнома имзоланган эди.

Фуқаролик Кодексининг 465-моддасига қура, контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ ҳўжалик маҳсулотини етиштирувчи уни қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қилади-ган шахсга-тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш мажбуриятини олади. Тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш, унинг ҳақини шартлашилган муддатда музайян баҳода тўлаши зарур. «Жўраев Завқи» фермер ҳўжалиги ана шундай тайёрловчи ташкилот сифатида фаолият юритиб, Когон туманидаги «Олтин тола» хиссадорлик жамияти билан давлат эҳтиёжи учун пах-

Шартнома шартлари қандай бажарилмоқда?

та хомашёси етказиб бериш тўғрисида контрактация шартномасини имзолайди.

Унга асосан фермер ҳўжалиги 2002 йилда 35,5 гектар ерга пахта

хонасидан жами 5 миллион 269 миң 607 сўм қарздор бўлиб қолган. Вилоят ҳўжалик судининг Когон туман ҳокимидаги бинасида бўлиб ўтган сайёр суд мажли-

сида - туман ҳокимлиги ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг даввоси қаноатлантирилди. Ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисидаги шартнома бекор қилинди.

Яна бир мисол. Жондор пахта тозалаш заводи очик турдаги акциядорлик жамияти «Самолдин» фермер ҳўжалиги билан давлат эҳтиёжи учун пахта хомашёси уруғлик пахта харид қилиш бўйича 654-сонли контрактация шартномасини тузади. Лекин С.Қувватов раҳбарлик қилган ҳўжалик шартнома мажбуриятини бажармади.

Тарафлар ўртасида тузилган контрактация шартномасининг 5.2 бандида маҳсулотни топширишдан асоссиз бўйин товлаган ва белгиланган сифатда, миқдорда, муддатларда топширмаганини учун етказиб берилмаган пахта ҳосилининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлаши кўрсатилган. Шу боис вилоят ҳўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан даввогар Жондор пахта тозалаш корхонаси фойдасига фермер ҳўжалигидан 540 миң сўм жарима ундириб берилди.

Я.АЗИМОВ, Бухоро вилоят ҳўжалик судининг судьяси

ЕРНИ АЛДАГАН - ЎЗИНИ АЛДАЙДИ

уруғи қадаб, 78 тонна хомашё топшириши лозим эди. Афсуски, бор қўли 19,8 тонна пахта қабул пунктига етказилди. 2003 йилда бу кўрсаткич атиги 75 тоннани ташкил этди. 2004 йилда эса чигит умуман экилмади.

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

МУАССАСАЛАРДА ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАРДАН ХИЗМАТ МАҚСАДЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

Саволингизга ЎзКУФКнинг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудир Маҳмуджон Исаев жавоб беради

Савол: бирор корхона, ташкилот ёки муассасада ишлаётган шахс ўзига тегишли енгил автомашинадан хизмат мақсадлари учун фойдаланаётган бўлса ушбу сарфланаётган харажатларни қоплаш тартиби қандай амалга оширилади?

С.АХМЕДОВ, Наманган шаҳри
Жавоб: Вазирилр Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-сонли «Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларда хизмат енгил автомобилларидан фойдаланиш тартибга солиш тўғрисида»ги Қарори билан «Ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадлари учун (хизмат сафаридан ташқари) фойдаланганлик учун компенсация тўлаш тартиби» жорий этилган. Ушбу тартибга мувофиқ, компенсация, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш фаолияти мунтазам транспортда юриш (хизмат сафарларидан ташқари) зарурияти билан боғлиқ бўлган ва ушбу мақсадлар учун ўз шахсий енгил автомобилларидан фойдаланадиган ходимларга тўланади. Компенсация тўлаш харажатлари хизмат енгил автомобилларини сақлаш учун назарда тутилган маблағлар миқдорининг

садлари учун фойдаланиладиган автомобилни ишлатиш юзасидан қилинадиган харажатларни қоплашнинг ҳисобга олган ҳолда белгиланган. Корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарининг буйруғи хизмат мақсадлари учун ўзларининг енгил автомобилларидан фойдалануви ҳолатида компенсация тўлаш учун асос бўлади. Корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари ишлатиш шартларида қараб компенсациянинг чекланган миқдорини кўпи билан 10 фоизга оширишга ҳақлидир.

Корхона, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан компенсацияни тўлаш юқори ташкилотнинг руҳсати билан амалга оширилади. муассаса ва ташкилот бухгалтериясига шахсий автомобил техник паспортнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхасини тақдим этадилар. Компенсация оймага бир марта, календар кунларининг сонидан қатъий назар, ойнинг иккинчи ярми учун иш ҳақи билан бир вақтда тўланади. Ходим таътилда, хизмат сафаридан бўлган, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли, шунингдек, у бошқа сабабларга кўра ишга чиқмаган, шахсий автомобилдан фойдаланмаган вақтлар учун компенсация тўланмайди. Компенсация солиқ солинмайди ва у ўртача иш ҳақи ҳисоблаб чиқарилади.

Table with 2 columns: Автомобиль русуми, Бир ой учун тўланадиган компенсациянинг чекланган миқдори. Rows include ГАЗ-24, 31; ВАЗ, Нексия, Москвич; Тико; Бошқа хорижий русумлардаги машиналар.

Компенсация миқдори ҳодимга фақат хизмат мақсади учун ҳодимлар корхона, майди.

НОГИРОНГА ҚАРАБ ТУРГАНЛИК УЧУН НАФАҚА БЕРИЛАДИМИ? Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

Савол: турмуш ўртоғим 1 гуруҳ (кўзлари ожиз) ногирони. Мен ҳам нафақаданман. Қизим ёки ўзим ҳамма вақт унинг ҳолдан хабар олиб, овқатлантириб тураман. Қонунга асосан менга ёки қизимга эримга қараб турганлигимиз учун нафақа бериладими?

Ш.МАХМУДОВА, Хатирчи тумани
Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунда 1 гуруҳ ногиронлари бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўлган шахслар ҳисобланиб, уларни парваришлаб турган шахсларга алоҳида нафақа тўлиниши назарда тутилмаган. Лекин ушбу Қонуннинг 28-моддаси «Г-бандида кўзи ожизлик бўйича 1 гуруҳ ногиронларга - энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдоридан пенсияларига қўшиб устама ҳақлар берилиши назарда тутилган.

Ушбу устама ҳақ турмуш ўртоғининг пенсиясини устига қўшиб пенсия билан бирга берилиб келинаётган бўлиши керак. Чунки ушбу устама ҳақнинг берилиши учун ижтимоий таъминот бўлими сизлардан ариза ёки бошқа қўшимча ҳужжатлар талаб қилмай, ТМЭК маълумотномасига асосан ҳеч қандай шартларсиз пенсиянинг устига қўшиб ҳисобланади. Шунингдек юқорида айтиб ўтилган Қонуннинг 37-моддаси «д» бандида 1 гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшга бўлган ногирон болага, шунингдек, ўзгаларнинг парваршишига муҳтож бўлган (давлат муассасасининг ҳулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолиятига киритилиши назарда тутилган. Демак, қизингизнинг отасига қараб турган хозирги даври, кейинчалик ёшга доир пенсия ёшига етганидан кейин умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.



Савол: ногирон болани тарбиялаётган ходимга қўшимча дам олиш кунини мутахассислиги, малакаси ва у ишлайдиган лавозим аниқ белгиланган бўлиши шарт.

Саволларингизга Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кенгаши бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

МАКТАБДА ЎҚИТУВЧИ БЎЛИБ ИШЛАШИМ МУМКИМИ?

Савол: Мен Ленинобод вилоятидаги педагогик ўқув юртини битирганман. Бўка туманига келин бўлиб тушдим, мактабда ўқитувчи бўлиб ишлашим мумкинми?

О.ДАВЛАТОВА, Бўка тумани Навобод маҳалласи
Жавоб: Тожикистон Республикаси Ленинобод вилояти педагогика билим юртининг дипломини нострификациядан ўтказиш зарур бўлади. Нострификациядан (Ўзбекистонда диплом тан олинганидан) ўтказилганидан сўнг, Бўка тумани халқ таълими бўлими руҳсати билан тумандаги мактабларнинг бирида ишлашингиз мумкин.

Савол: Бир неча ўқитувчиларимиз Қирғиз-Ўзбек университетига ўқийдилар. Ўқишларини битиргач уларнинг дипломлари нострификация қилинадими? Уларнинг сессия давридаги ўқишига ҳақ тўланадими? Урта махсус маълумотга эга бўлган Қирғиз-Ўзбек университетига ўқишга кирганларга бошланғич синфларда дарс беришга руҳсат этиладими?

А.АХМАДАЛИЕВ, Косонсой тумани 29-мактаб
Жавоб: Қирғиз-Ўзбек университетини битирганларнинг дипломлари нострификациядан ўтказилиши лозим. Уларнинг сессия давридаги ўқишига ҳақ тўланмайди. Чунки ҳеч бир шартномада ҳам ҳақда таъкидланмаган. Қирғиз-Ўзбек университетини битирганлар тегишли ҳудудлардаги халқ таълими бўлими руҳсати билангина мактабларда дарс беришлари мумкин.

Саволларингизга Ўзбекистон Енгил, мебел саноати ва аҳолига коммунал маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кенгаши ҳуқуқшуноси Гофуржон Ғойибов жавоб беради

ҚЎШИМЧА ИЖТимоий ТАЪТИЛ

Савол: Ён икки ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортик боласи бор аёлларга қандай қўшимча таътиллари берилди?

А.ФАЙЗИЕВ, Гулистон шаҳри
Жавоб: Меҳнат кодексининг 232-моддасига мувофиқ ён икки ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортик боласи ёки ён олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилди.

Бу таътилни бериш тартиби уни татбиқ этишда ҳисобга олиниши зарур бўлган бир қатор ҳусусиятларга эга:

- 1. Меҳнат кодексининг 149-моддасига мувофиқ бу таътил ижтимоий таътиллار ҳисобланади. Бундан келиб чиққан ҳолда бу таътилни беришда ижтимоий таътиллари учун назарда тутилган умумий қондаларга риоя этилади. Хусусан, Меҳнат кодексининг 151-моддаси 3-қисмига мувофиқ, ижтимоий таътиллари буюшқа барча турлари сингари мазкур таътилдан фақат асли ҳоли бўйича фойдаланиш мумкин, уни пуллик компенсация билан алмаштиришга, кейинги иш йилига кўчиришга, шу

билан бир қаторда бу таътиллари бир неча йил учун жамланишига йўл қўйилмайди.

2. Меҳнат кодекси 232-моддасининг 1-қисмига мувофиқ мазкур таътил, айни чоғда қўшимча таътил ҳисобланади. Демак, уни беришда меҳнат таътилининг умумий муддатини жамлашда МКнинг 140-моддасида белгиланган тартибга эътибор берилиши керак.

3. Меҳнат кодекси 232-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган қўшимча ижтимоий таътил аёلнинг хоҳишига кўра ё меҳнат таътилига қўшиб берилиши, ё тегишли иш йили давомида исталган вақтда алоҳида фойдаланиши мумкин.

4. Меҳнат кодекси кўриб чиқилган таътилининг фақат энг кам муддатини назарда тутган. Бундан шундай ҳулоса келиб чиқадики, ён икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортик боласи (ён олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёл қарда ишлашадиган қатъий назар, иш бериш учун ушбу кундан кам бўлмаган муддат билан қўшимча таътил бериш шарт. Айни чоғда жамоа келишувида, жамоа шартномасида ёхуд меҳнат шартномасида бундай таътил муддатини узайтириш назарда тутилмиши мумкин.

5. МКнинг 150-моддасига мувофиқ ён икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортик боласи ёки ён олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга уч кунлик ҳақ тўланадиган таътилдан таш-

Саволларингизга Ўзбекистон Алоқа ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кенгаши ҳуқуқшуноси Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

НИ ЙИЛ ДАВОМИДА ЖАМЛАБ БЕРИШ МУМКИМИ?

Н.УРОЗБОВА, Наманган шаҳри
Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 230-моддасига асосан, ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлганга қадар давлат ижтимоий суғуртаси ҳисобидан бир қўнлик иш ҳақи миқдоридан ҳақ тўланадиган ҳолда ойига қўшимча бир кун дам олиш берилди.

Ушбу имтиёздан қўзланган асосий мақсад ногирон болани парваришлаш ҳамда уни тиббий хизматга бўлган эҳтиёжи актиомлини назарда тутиб, унга амалда қаровчиларга қўлайлик яратиш эканлигини келиб чиқиб, уни муайян давр учун жамлаб бериш назарда тутилмаган. Яъни ушбу имтиёздан ҳодим ҳар ойда бир мартадан, демак йил давомида 12 кун фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Савол: меҳнат шартномаси тузилганда ходим ўзининг меҳнат вазибалари билан таъинирилиши керакми? Ва у қандай тартибда амалга оширилади?

К.РЎЗМТОВА, Тошкент шаҳри
Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 72-моддасига биноан, меҳнат шартномаси дағанда, ходим билан иш бериш учун ўртача муайян (аниқ бўлган) мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишнинг ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафларнинг келишуви ёки бошқа меъриёвий ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосидаги ҳақ эвазига баҳарлириш ҳақидаги ўзаро келишуви тушинилади.

Хозирги пайтда Меҳнат Кодексининг 74-моддасига асосан меҳнат шартномалари ёзма равишда тузилиб, унда, ходимнинг меҳнат вазифаси - яъни



«Сихат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида жойларда қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Дўстлик тумани марказий дорихонаси ва унинг шохобчаларида олиб борилаётган ишлар тахсинга сазовордир. Жорий йилнинг ўтган ойларда 4 миллион 200 минг сўмлик дори-дармон сотилишига эришилди.

Дорихонанинг 4 та шохбаси бўлиб, аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Суратда: шохобча ходими Анвар Маъмуров, Б.НОРКУЛОВ олган сурат



Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки Андижон вилоят бўлими жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида ҳуқуқат қарорлари, Президент Фармонлари асосида иш юритиб, кўп миң сонли миқозлар ишончини қозонди. Бундан улар сонин кундан-кун ортиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. 32 миң 100 дан ортик миқозга хизмат кўрсатаётган мазкур банк ўз миқозларининг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш, бу орқали янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратаётган. Ўтган даврда бўлим томонидан 11 миңлиқ 357 миллион сўм кредит ажратилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпдир.

Мазкур молия муассасаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган маблағлар ўтган йилнинг шу давридаги таққослаганда 220 фоизга ортган. Шу билан бирга ҳуқуқатимиз ташаббуси билан аҳолининг ижтимоий шароитини яхшилаш мақсадида 639 миллион 740 миң сўм бандлик жамғармаси маблағлари ҳам тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳаларига йўналтирилди. Шунингдек, стратегия аҳамиятга эга бўлган катта корхона ва ташкилотларга қисқа муддатли кредит маблағлари ажратилаётганлигини таъкидлаш жоиз. Бунинг натижасида улар мулкчиларга лойиҳаларини амалга ошириш имкониятига эга бўлидилар. Мисол учун, «Анджон-Ун» қўшма корхонаси банк томонидан берилган 50 миллион сўм қўмак ҳисобига ишлаб чиқаришни ривожлантирган. Бу ерда қўшимча 24 та ишчи ўрни яратилди. «Анд-поли» қўшма корхонасига қурилиш ва безак

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

Банк томонидан хорижий инвестицияларни жалб этиб, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни олиб киришга ҳам алоҳида эътибор берилган. Жумладан, вилоятдаги «Алишер Навоий Интернейшнл» қўшма корхонаси томонидан тайёрланган лойиҳа ижобий баҳоланган бўлиб, Исом ривожланиш банкнинг 8 миллион АҚШ долларлари миқдоридagi маблағи ҳисобидан замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳлари сотиб олиш учун кредит ливниясини очилмоқда. Ушбу инвестиция лойиҳаси амалга келиши билан қўшимча 200 миң ишчи ўрни яратилиши мумкин.

КРЕДИТ ҲИСОБИГА ИШ ЎРИНЛАРИ

Чет элдан олиб келинадиган маҳсулотларни юртимизда ишлаб чиқаришни ташкил этишга ҳуқуқатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратиладиган. Кўп йиллардан бундан бозорларимизни ўзининг сифатли маҳсулотлари билан тўлдирётган Шаҳрихон туманидаги «Ривож - Тяньжин» Ўзбекистон - Хитой қўшма корхонаси ўзининг йирик, истиқболли лойиҳаси билан банкка мурожаат қилди. Унга электрод ва шифер маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 200 миллион сўм маблағ берилди. Хозирда мазкур қўшма корхона ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотишни янада ривожлантирган. Бунинг натижасида 30 нафар шахрихонлик иш билан таъминланди.

Япония бош вазири Жунъитиро Коидзуми амалдаги ҳуқуқатимизни истиёфога чиқариб, янги ҳуқуқат таркибини эълон қилди.

РАТА-ТАСС хабарига қараганда, Японияда ҳуқуқат раҳбаридан кейинги ўринда турувчи лавозим - бош котибликка 51 ёшли Синдзо Абэ лойиҳа топилган. Бунга қадар С.Абэ Либерал-демократик партия раисининг ўринбосари лавозимда фаолият юритиб келган. Синдзо Абэ сийёсатчилар оиласида туғилган. Унинг бобоси 1957-1960 йилларда мамлакат бош вазири, отаси Синтаро Абэ эса ташқи ишлар вазири бўлган. Япония ташқи сийёсат маҳкамасини 65 ёшли Таро Асо бошқарадиган бўлиди. У маъмурий ишлар вазири эди. Мамлакат мудофаа бошқармаси раиси этиб Фукусима Нукага тайинланди. У 1998 йилда ҳам ушбу муассасага раҳбарлик қилган. Бироқ ушунда Ф.Нукага ҳарбийларнинг хуфиёна талон-торождар ва бунга йирик амалдорларнинг аралашуви оқибатида келиб чиққан можаролар боис истиёфо берганди. Молия вазири лавозими Садқақдзу Танигаки, экология вазири Юрико Коидзуми ҳамда давлат ёри ва транспорт вазири Кадзую Китагава ўз лавозимидан қолди. Жорий йил 11 сентябр кунин мамлакатда парламент сайлови ўтказилган ва унда Жунъитиро Коидзуми бошчили-

Шарҳловчи минбари Япония: ҲУҚУҚАТИМИНИ ЯНГИ ТАРКИБИ

гидаги Либерал-демократик партия суваффақият қозонганди. Шундан сўнг Ж.Коидзуми 21 сентябрда ўтган парламентнинг махсус сессиясида бош вазириликка қайта сайланган, ҳуқуқат таркибини янгидан кўриб чиқилишини айтган. Мамлумотларга кўра, Ж.Коидзуми Либерал-демократик партия раисининг лавозимига Цутумо Такабони маъқул қурган. Таъкидлаш жоизки, Ж.Коидзуми 2001 йилдан бундан ҳуқуқатга раҳбарлик қилиб келаётган. Бу давр мобайнида ҳуқуқат таркиби уч марта алмашди. (ЎЗА)

